Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 18-iyun, seshanba № 73 (3266)

МИНТАКАВИЙ СЕМИНАР

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Ўзметкомбинат» ОАЖда «Зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ходимлар ва табиатга таъсири» ҳамда «Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш ва бу борада жамоат назоратини амалга ошириш» мавзуида минтақавий семинар ташкил этди.

Яшил иқтисодиёт сари

Маълумки, ушбу комбинат республикадаги салоҳиятли корхоналардан бири бўлиб, бу ерда меҳнат қилиш учун барча шарт-шароит яратилган. Айни чоғда маъмурият ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитаси иш жараёнида юзага келаётган чанг ва зарарли газларни бартараф этиш мақсадида таъсирчан чора-тадбирлар кўрмоқда. Ён-атрофни яшилликка буркаш, турли дов-дарахтлар ўстириш, гулзорлар яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам яхши самара бераётир. Чунки яшил ўсимликлар атмосферадаги корбонат ангидридни ўзига сингдириб, кислород чиқариш, яъни ҳавони мусаффолаштириш хусусиятига эга.

Тадбирда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш , Табиатни муҳофаза қилиш бош бошқармалари, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, вилоят давлат Санитария-эпидемиология назорати маркази, «Олмалиқ КМК» ОАЖ, «Аммофос-Максам» ОАЖ, «Ўзкимёмаш заводи» ОАЖ, «Оҳангароншифер» ОАЖ, «Ангрен Логистика маркази» ЁАЖ, «Максам-Чирчиқ» ОАЖ, «Бекободцемент» ОАЖ, «ЎзКТЖМ» ОАЖ, «Тошкентпахтасаноат» бирлашмаси, «Бекободсувоқава» ИЧШК, «Тошкент» ИЭС, «Бекободцемремонт» МЧЖ, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, Бекобод туман ЙХПТФК ва қўшни Сирдарё вилоятидан соҳага доир вакиллар иштирок этди.

Семинар иштирокчилари даставвал комбинат музейини кўздан кечиришди. Сўнгра икки гуруҳга бўлиниб, ишлаб чиқариш цехлари ҳамда ижтимоий объектлар билан танишдилар.

Асосий тадбир корхона тасарруфидаги «Ёшлар» саройида бўлиб ўтди.

Уни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Саидов бошқарди.

«Ўзметкомбинат» ОАЖ экология масалалари бўйича бош муҳандис ўринбосари Ўктам Рўзматов комбинатда ишлаб чиқаришнинг зарарли омилларини камайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўзлади. Мавзуга оид «Яшил иқтисодиёт сари йўл» номли филм намойиш этилди. Корхона меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўлим бошлиғи ўринбосари Максим Ким «Ўзметкомбинат» ОАЖда ишлаб чиқариш билан боғлиқ шикастланишларни камайтириш ва хавфлилик даражасини баҳолаш бўйича кўрсатилаётган фаолият ҳақида маълумот берди. Комбинат мартен цехи таъмирловчи — чилангари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакил Ҳуршид Хидиралиев цехда ўрнатилган жамоат назорати хусусида батафсил тўхталиб ўтди:

— Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 20 марта назорат ўтказилди, — деди у. — Текширув натижасида аниқланган камчиликлар махсус журналга қайд этилди ва уларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Бошқа цехларда бўлганидек, бизнинг цехда ҳам касбий саломатлик ва хавфсизлик менежменти тизими жорий этилган.

(Давоми 2-саҳифада).

СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ





«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси жисмонан бақувват, маънан етук фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида қатор талбирларни амалга оширмоқда. Халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бемор ва ногирон болаларни соғломлаштириш учун амалга оширилаётган лойиҳалар, айниқса, юқори самара бераётир.

Самарали ҳамкорлик

Хусусан, 2012 йил давомида Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти, Жанубий Кореянинг «Save the Children» халқаро жамғармаси, Корея халқаро соғлиқни сақлаш KOFIN жамғармаси, Ин Ха университети госпиталларида туғма юрак нуқсони, теринг куйиш асоратлари, туғма кўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташхислар билан оғриган бемор болалар бепул соғломлаштирилди. Шунингдек, жамғарма Жанубий Кореянинг бир қатор халқаро ташкилот ва университетлари билан ҳамкорликда кенг кўламли фаолият юритиб келмоқда. Ҳамкорлик битимлари доирасида жамғарма қошидаги Тиббий-ижтимоий марказда замонавий тиббиёт асбоблари билан таъминланган янги бино қурилди. Республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини кўрикдан ўтказиш, зарур тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 214,3 минг АҚШ доллари қийматига эга бўлган «Hyundai» русумидаги мобил клиникаси жамғарманинг Ҳудудлараро кўчма тиббий ижтимоий патронаж бригадасига тақдим этилди. Жамғарманинг 20 йиллиги муносабати билан Корея халқаро соғлиқни сақлаш KOFIN жамғармаси томонидан 25,3 минг АҚШ долларига тенг бўлган «Hyundai H1» русумидаги мобил клиника Навоий вилояти Тиббий ижтимоий патронаж бригадасига берилди.

Ушбу соғломлаштириш дастурлари доирасида куни кеча «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тиббий ижтимоий марказида Жанубий Кореянинг Ин Ха университети малакали шифокорлари (18 нафар кардиолог, педиатр, ортопед, офталмолог, фармацевт ва бошқа мутахассислар) пойтахтлик беморларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

— Ҳозирда Жанубий Кореянинг Ин Ха университети госпитали малакали шифокорлари Тошкент шаҳридаги ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар вакиллари бўлган беморларни кўрикдан ўтказиб, зарур тавсияларни беришмоқда, — дейди жамғарманинг тиббий-ижтимоий маркази раҳбари Ҳотам Ризаев. — Бу кўрик анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Хусусан, ўтган йилнинг 6-13 июл кунлари юртимизга ташриф буюрган ушбу университет мутахассислари иштирокида қарийб 950 нафар киши чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Оғир деб топилган 3 нафар бемор Жанубий Кореянинг нуфузли клиникаларида соғломлаштирилди.

— Қизим Муқаддасни ошқозон оғриғи безовта қиларди. Уни кўрикдан ўтказган мутахассислар касалликнинг ҳеч қанақа оғир белгиси йўқлигини айтишди, — дейди Олмазор туманида яшовчи Дилноза Абдуллаева. — Дори-дармон ёзиб беришиб, тез кунда кўрмагандек бўлиб кетишини билдиришди.

Малакали мутахассислар Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани Суранкент қишлоғи «Ариран» қариялар уйида ҳам бўлишади. 19 июндан 22 июнга қадар Навоий шаҳрида вилоят аҳолисини кўрикдан ўтказишади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«Энг улуғ, энг азиз»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказадиган **«Энг улуғ, энг азиз»** анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга **«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!»** деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган ижодий ишларда:

мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканлиги кенг очиб берилган;

халқимиз ўтган даврда ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонгани чуқур таҳлиллар орқали кўрсатилган;

тараққиётнинг ўзбек модели мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган олижаноб даъват истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланган ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, ютин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қишлоқ аҳлига муносиб турмуш шароитини яратиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ўз аксини топган;

халқимизнинг онгу тафаккураши бутунлай ўзгариб, дунёқарашлар дунётуйғуси, ўз кучи ва имкониятига бўлган ишончи мустаҳкамланганлиги ёрдамида юртимиздаги миллатлараро ва фуқароларо аҳиллик, ўзаро муносабат ва ҳамжиҳатлик мухитида Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатини миллий манфаатларга жавоб берадиган стратегик устувор йўналишлари, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижобий самаралари ифодаланган бўлиши зарур.

«Энг улуғ, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- **ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;**
- **босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;**
- **телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;**
- **тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;**
- **кино санъати асарлари.**

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2012 йилнинг 1 августидан 2013 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79;

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси

Июл — декабр ойлари учун обуна 6133

...ишни унутмадингизми?

Янгиликлар оқимидан

ТОШКЕНТ

Пойтахтимиздаги «Чинобод» санаторийсида саломатлик йўлидаги изланишлар кундан кунга кўзга ташланмоқда. Яқиндан бошлаб қўллана бошлаган озонтерапия муолажалари мижозларни мамнун қилаётир.

МИЖОЗЛАР МАМНУН

— Ўзим шифокор бўлсамда, етти йилдан бери қандли диабет касаллигидан азоб чекардим, — дейди Самарқанд вилояти Нуробод тумани Ўртабўз ҚВП мудири Иброҳим Кенжаев. — Шу ердаги озонтерапия муолажасидан сўнг қонимдаги қанд миқдори анча пасайди, уйқум меъёрлашди.

А.АБДУЛЛАЕВ

СИРДАРЁ

Янгиер шаҳридаги «Шоҳакбар бек файз» кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бу ерда турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани диққатга сазовор.

ЛОЙИҲА РЎЁБИ

Хусусан, нон ва нон маҳсулотлари, йўлак плиталари тайёрланмоқда. Яқинда корхона раҳбари Нодира Раҳимжонова ташаббуси билан 6 турдаги эмулсия ва 6 хилдаги лок бўёқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Айни пайтда 35 та корхонага ўз маҳсулотларимизни шартнома асосида етказиб бераяпмиз, — дейди корхона раҳбари. — Улар турини янада кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратганмиз.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

АНДИЖОН

Андижон машинасозлик институтида «Олий таълим ва ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар» мавзусида республика илмий анжумани бўлиб ўтди.

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Вилоят ҳокимлиги, «GM - Ўзбекистон» ЁАЖ билан ҳамкорликда ташкил этилган конференция бугунги шароитда саноатда олиб борилаётган изланишлар ва олдинда турган муҳим вазифалар ечимига бағишланди. Унда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг фан, техника ва илмий изланишлар борасидаги янгиликлари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда республикамиздаги соҳа мутахассисларини тайёрловчи олий ўқув юрти профессор ва талабалари иштирок этди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

БУХОРО

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилоят бўлими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, адлия, ички ишлар бошқармалари ҳамкорлигида академик лицей ва коллежлар ўртасида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» республика анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

«СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

Унда ҳудудларда биринчи ўринни эгаллаган 13 жамоа ғолиблик учун ўзаро баҳслашди.

Якунда Бухоро шаҳридаги юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг «Қомус» жамоаси ғолиб деб топилди. Энди ушбу жамоа танловнинг Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтадиган мамлакат босқичида иштирок этади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2013-yil 18-iyun № 73 (3266)

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги Қорашина қўрғонида болалар мусиқа ва санъат мактаби биносини қуриш ишлари жадал давом этмоқда.Объектни Қарши хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш корхонаси бинокорлари бунёд этмоқда.

Суратда: қурувчи Бахриддин Курбонов.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

Яшил иқтисодиёт сари

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бош мутахассиси Олимжон Жўраев Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналарда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни ижросига эътиборни қаратди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси меҳнат техника инспектори Азизхон Акромов ҳудуддаги корхона, ташкилотларда меҳнат шароитлари ҳолати, ишлаб чиқариш билан боғлиқ шикастланишлар, инфратузилма объектларига ногиронларнинг тўсқинликсиз ҳаракатланиши учун яратилган шароитлар, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш аҳволини таҳлил қилди.

Шундан сўнг вилоят ДСЭНМ бош врач ўринбосари Оқил Аҳрорхўжаев зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ходимларга таъсири ва корхоналарда ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби, вилоят Давлат экологик экспертизаси бошлиғи ўринбосари Зуҳриддин Исмоилов зарарли ишлаб чиқариш омилларининг табиатга таъсири, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Эркинали Усмонов меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш борасида ижтимоий шерикликнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Ю. Ядгаров тадбирнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида сўзлаб, у жуда фойдали бўлганлигини таъкидлаб ўтди.

— Семинарда атрофлича фикр алмашдик, — дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Марварҳон Орифжонова. — Бу иш жараёнида барчамизга асқотади. «Ўзметкомбинат» ОАЖ тасарруфидаги «Металлург» шифохонаси ҳамда поликлиникасига тез-тез келиб тураман. Ишчи аҳлининг саломатлиги ва иш жойларининг қулайлиги кафолатланган. Бу борада олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Шаҳар яшилликка бурканган, кўкка бўй чўзган дарахтлар, айниқса, нина баргли арчалар инсон саломатлиги учун кони фойда эканлигини бу ердагилар яхши билишади.

— Шаҳримизнинг жамоли кун сайин юксалаётир. Фақат «Ўзметкомбинат»дагина эмас, балки бошқа жойларда ҳам инсонларнинг яшаши ва мириқиб ишлаши учун жаннатмонанд масканлар яратиляпти, — деди шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ходими Дилдора Исмоилова. — Фондимиз саъй-ҳаракати билан ён-атрофга 3700 дан зиёд мевали ва манзарали кўчатлар экилди. 4000 дан ортиқ дарахтга шакл берилди. Ҳудуддаги чиқиндихоналар шаҳар ДЭСНМ ва табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси ходимлари томонидан қатъий назоратга олинган бўлиб, уларнинг таъмирталаблари таъмирланди ва чиқиндиларнинг узлуксиз олиб кетилиши таъминланяпти.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

КАСАБА УЮШМА АРАЛАШУВИ БИЛАН

Фарғона вилоятида меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳамда унинг самарадорлигини оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиги қўл келмоқда. Бу борада вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши корхоналарда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда бундай ходимлар ва боқувчисини йўқотган оила аъзоларига компенсация ўз вақтида тўлаб борилишини таъминлашга бош-қош бўлаётир. Меҳнат қонунчилигининг бузилиши юзасидан тушган шикоят ва аризалар зудлик билан ўрганилиб, адолат қарор топишига эришилаяпти.

Зарар ундирилди



Мисол учун, Фарғона тумани Хонқиз қишлоғида яшовчи 3-гуруҳ меҳнат ногирони Ҳадичахон Жўраева 2002 йилдан буён 60 фоиз меҳнат қобилиятини йўқотганлиги сабабли туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармасидан товон пули олиб келарди. Бироқ 2012 йилнинг ноябридан унинг миқдори камайтириб юборилди. Фуқаро масалага ойдинлик киритиш мақсадида касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат қилди. Мурожаат жамоатчилик назорати тартибида атрофлича ўрганиб чиқилганда бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ходимлари томонидан Х.Жўраевага тўлов пулини ҳисоблашда хатолкка йўл қўйилганлиги аниқланди. Хатобартараф қилиниб, Х.Жўраевага етиш йилик фарқ тўлиқ тўлаб берилишига қишиб олинди.

Шу тумандаги 35-мактабгача таълим муассасаси ходими Умида Ҳамроқулова убилан 2009 йил 25 августда бахтсиз ҳодиса содир бўлгани, оқибатда 2012 йилда меҳнат қобилиятини йўқотганлиги, бироқ иш берувчи томонидан компенсация тўлаш рад этилганлиги ҳақида маълум қилган. Ушбу ҳолат юзасидан касаба уюшмаси иш берувчига тақдимнома киритди. Лекин тақдимнома эътиборсиз қолдирилди. Шу сабабли Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво ариза билан мурожаат қилишга тўғри келди. Натижада суд аризани қаноатлантириб, У. Ҳамроқулова фойдасига иш берувчидан зарар тўловини ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Касаба уюшмалари ходимлари томонидан меҳнат ишларнинг том маънодаги ҳимоячиси сифатида амалга оширилган бу каби ишларни кўплаб санаш мумкин. Мисол учун, шунга ўхшаш аризалар юзасидан иш берувчиларга киритилган «Зарар тўловини ундириш ҳақида»ги тақдимномаларга кўра, II гуруҳ ногирони А. Султоновдан ноқонуний ушлаб қолинган 368,7 минг сўм, Бувайда туман йўл қурилиш ва таъмирлаш бўлими томонидан касб касаллигига чалинган Зайлобиддин Усмоновга ўз вақтида тўлаб берилмаган 6359 минг сўм, Олтиариқ тумани «Қишлоқхўжаликкимё» шўъба корхонасидан касб касаллигига чалинган Қўлдош Облобердиевга узоқ вақт тўланмаган 61178,4 минг сўм зарар тўловлари ундириб берилди.

Жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш юзасидан иш берувчиларнинг вакиллари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари, меҳнат муҳофазаси комиссиялари ва меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакиллар билан меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида ўқув семинарлар ўтказиб келинаяпти. Ушбу семинарларда кенгашнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари маърузалари билан иштирок этишмоқда.

М. ЭГАМОВ,
Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси.
А. ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

ЖОНКУЯР ЕТАКЧИЛАР

Вақт ва имкон топиб

Камол Остонов Нишон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитасига етакчилик қилаётганига уч йилдан ошди. Шу вақт мобайнида ўзининг ташаббускор ва ташкилотчилиги билан жамоа ишончини қозонди. Муҳими, ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда сезиларли натижаларга эришилди.

Бирлашма ҳудудидаги касаба уюшма боғи ва муассасага ўзгача файз бериб турган ажойиб гулзорнинг барпо этилишида ҳам Камол аканинг ҳиссаси катта. Ўтган йилда тумандаги даволаш-профилактика муассасаларида 8917 дона мевали, 8930 туп манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бундан ташқари, касабақўм маҳалла фаоллари билан биргаликда қишлоқларда аҳоли томорқасидан унумли фойдаланиш бўйича тарғибот ишларини олиб борди.

— Туманимизда бўш ётган томорқалар деярли йўқ, — дейди Камол ака. — Аҳолининг ўз томорқасидан яхшигина даромад олаётганини, бозорлар маъмурлигига ҳисса қўшаётганини кўриб, қувонасан киши.

Дарвоқе, туман тиббиёт бирлашмаси соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда намуна кўрсатаётир. Бу ерда «Саломатлик» спартакиадасини уюшқоқлик билан ўтказиш анъанага айланган. Тиббиёт ходимларидан тузилган жамоанинг вилоят, республика миқёсидаги натижалари ҳам ёмон эмас. Ўтган йилда соҳа ходимлари ўртасида ўтказилган вилоят мусобақасида нишонликлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди.

Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ишлари ҳам йилдан-йилга яхшиланиб боряпти. Ўтган йили 38 нафар ўғилқиз оромгоҳларда дам олган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 50 нафарга етказиш режалаштирилган.

Фаол ходимлар учун тарихий шаҳарларга саёҳат ташкил этиш ҳам анъанага айланиб улгурди. Яқинда 50 нафар ходим азим Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, муқаддас қадамжоларида бўлиб қайтишди.

Истеъдодли ходимларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида «Ҳамшира — 2013» кўрик-танлови ҳам юқори савияда ташкил этилди. Даволаш-профилактика муассасаларида сараланган 12 нафар ҳамшира қатнашган танлов якунида туман кўп тармоқли поликлиникаси ходими Шаҳноза Пирнафасова ғолиб деб топилди.

Камол Остонов бирлашмадаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга ҳам масъул. Белгиланган режа асосида «Обод турмуш — жамият асоси», «Оила — маънавият қўрғони», «Диний экстремизм ва миссионерликнинг олдини олиш — тинчлик гаровидир» каби қатор мавзуларда суҳбатлар уюштирилди.

Камол ака асли стоматолог-врач. Қачон қараманг, қабулида беморлар навбат кутиб турганини кўрасиз. Иши кўплигига қарамай, жамоа дардини эшитиб, тегишли чора-тадбирларни кўришга доим вақт ва имкон топади.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида шаҳримиздаги 34-мактаб интернат, 9-ақли заиф болалар мактаби ҳамда мактабларда таълим олаётган боқувчисини йўқотган ўқувчиларнинг Тошкент шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Акция доирасида

Болажонлар сайрни Ҳайвонот боғидан бошлашди. Турли юртлардан олиб келинган жониворлар, замонавий аттракционлар (от аравалар, поезд, болалар ўйингоҳлари, шаршаралар) уларнинг она табиатга муҳаббатини янада оширди.

Шундан сўнг болажонлар Мустақиллик майдонидаги «Мотамсаро Она ҳайкали», «Мустақиллик монументи», Хотира майдонида бўлиб, ҳурмат бажо келтиришди. Уларнинг юзкўзларидаги кўтаринкиликни кўриб, юртимизда қалби дарё, меҳрибон инсонлар борлиги учун шукроналар айтдик.

Нилуфар КУРОЛОВА,
Ангрен шаҳридаги 26-мактаб ўқитувчи

НАМУНАЛИ ТУМАН КЕНГАШИДА

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шовот туман кенгаши тасарруфида 84 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, 4860 нафар аъзодан 3501 нафари аёллардир. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида туман кенгаши раёсат аъзолари Ф.Наврўзов, И.Қориев, Я.Тўраев, Н.Эшчанова, кенгаш аъзолари Н.Нуржонова, З.Човдиров белгиланган график асосида бошланғич ташкилотларга амалий-услубий ёрдам кўрсатишмоқда.

Эътибор

Касаба уюшма фаолларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил қилинаётир. Уларда касаба уюшма тизимидаги ислоҳотлар, «Хотин-қизлар билан ишлаш доимий комиссиялари, ёшлар кенгашлари фаоллиги — «Обод турмуш йили» дастурлари ижросини таъминлашда муҳим омил», «Болаларни ёзги соғломлаштириш оромгоҳида сифатли соғломлаштириш — касаба уюшма ташкилотларининг устувор вазифаси» каби мавзулар юзасидан тушунча ва тавсиялар берилмоқда. ЎзКУФК томонидан ташкил қилинаётган акцияларга алоҳида эътибор қаратилаётир. «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди!» тадбири доирасида «Чиғатойқалъа» қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Б. Бекчановга ногиронлик аравачаси олиб берилди. Шовот шаҳарчасида ёлғиз яшовчи А. Антиповага моддий ёрдам кўрсатилиб, хонадонининг иситиш тизимини жорий таъмирлашга кўмаклашилди.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида туман бандликка кўмаклашиш маркази ҳуқуқшуноси Д. Хўжаниёзов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳуқуқшуноси Ҳ. Нуруллаев ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Меҳнатга оид муносабатларни расмийлаштириш, меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси бўйича вилоят кенгаши томонидан тайёрланган услубий қўлланмалар муассасаларга етказилди.

Меҳнат қонунчилигини назорат қилиш бўйича таълим муассасаларида ўтказилган текширишлар натижаси ўлароқ, вилоят касаба уюшма ташкилотлари ҳуқуқий бўлими ёрдамида 35-мактаб маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари А. Майлиева, 29-мактаб директори Д. Тожиев ўз вазифаларига қайта тикланди. Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқларини жамоат назорати орқали ҳимоя қилиш борасида тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Шовот туман кенгаши қонун ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан доимий назорат йўлга қўйилган. Ижтимоий шериклик натижасида тасарруфимиздаги ташкилот ва муассасаларда ишлаб чиқариш билан боғлиқ жароҳатланиш ёки касб касаллигига чалиниши ҳолати рўй бермади.

Кези келганда, иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича тўлдирилган алоҳида бобларга қатъий риоя қилинаётганини таъкидлашни истардим. Тумандаги 54 та умумтаълим мактабида меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаси муассаса педагогик кенгаши қарори билан ташкил қилинганлиги айни муддао бўлди.

Мақсуд ҚОДИРОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари туман касаба уюшмаси раиси

ДАСТУР ЧОРРАСИ

Қўнгилларда қувонч

Наманган вилоятида соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси томонидан «Обод турмуш йили» давлат дастурининг бажарилишига оид кўплаб хайрли ишларга қўл урилди.

Хусусан, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ҳам таъминланган оила вакилларидан 756 нафарига 35,45 млн.сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Поп туманидаги 2 та эҳтиёжманд оилага 120 кг. картошка уруғи, Норин туманида кексалик гаштини сураётган 8 нафар ходимга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Тўрақўрғон туманида 8 нафар ходимга 25 тадан, жами 200 та жўжа тарқатилди. Бундай мисолларни вилоятнинг ҳар бир туманида кузатиш мумкин.

Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси томонидан 7 нафар, вилоят кардиология марказида 2 нафар кам таъминланган оила фарзандларига хатна тўйлари ўтказилиб, уларнинг ҳар бири учун омонат дафтарчалари очилди.

Бундан ташқари, бошланғич ташкилотларда иш берувчилар билан ҳамкорликда касаба уюшма аъзоларининг тарихий қадамжоларимизга ва мустақиллик иншоотларига саёҳатини уюштиришга эътибор тобора кучайиб бормоқда. Жумладан, Чортоқ тиббиёт коллежи талабалари вилоят ўлкани ўрганиш музейига саёҳат қилган бўлса, соҳа ходимларидан юз нафари Самарқанд, Бухоро шаҳарларига зиёратга юборилди. Наманган шаҳридаги 350 нафар соғлиқни сақлаш ходимига Алишер Навоий номидаги вилоят театрига чипталар олиб берилди.

Рустамжон РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Наманган вилоятидаги масъул ташкилотчиси

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Истиқлол йилларида мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари жадал ривожланиб бормоқда. Бу каби тараққиёт ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат ва иқтисодиётнинг муҳим секторларини модернизация қилиш бўйича инвестицион дастурларнинг амалиётга татбиқ қилиниши самараси эканини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу борада «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан ҳам қатор ишлар амалга ошириб келиняпти. Маълумки, банкнинг асосий мижозлари иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, ҳар қандай мамлакатнинг барқарор тараққиёти таянчи бўлмиш нефт-газ, энергетика ва кимё соҳалари корхоналари ҳисобланади. Бу ўринда 2013 йилга мўлжалланган Инвестицион дастур лойиҳаларининг қарийб 63 фоизи айнан юқоридаги соҳаларга тўғри келиши банк ходимларига катта масъулият юклашини айтиб ўтиш лозим. Ҳозирда дастур доирасида ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Банк инвестицияси — тараққиёт кафолати

Инвестицион дастурга асосан жорий йилда «Ўзсаноатқурилишбанк» мижозларининг жами 82 та лойиҳасида хизмат кўрсатувчи ва молиялаштирувчи банк сифатида иштирок этиши белгиланган. Қиймати 882 млн. АҚШ долларини ташкил қилувчи 12 та лойиҳа банк орқали, қиймати 2,7 млрд. АҚШ долларлик 70 та лойиҳа тўғридан-тўғри ёки лойиҳа ташаббускорлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган. («Ўзбекнефтегаз» – 36 та, «Ўзбекэнерго» – 33 та, «Ўзкимёсаноат» – 13 та). Инвестиция лойиҳаларининг жами қиймати 3,5 млрд. долларни ташкил қилиб, 2,5 млрд. доллар нефт ва газ тармоғига, 813,6 млн. доллар энергетика ва 201 млн. доллар кимё тармоғига йўналтирилган. Бунда бевосита банк томонидан 882 млн. долларлик 12 та лойиҳанинг молиялаштирилиши мўлжалланган. («Ўзбекнефтегаз» – 4 та, «Ўзбекэнерго» – 5 та, «Ўзкимёсаноат» – 3 та). Ҳозирда юқоридаги 12 та лойиҳадан 5 таси бўйича банк томонидан жами 41,7 млн. доллар миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Яъни «Ўзбекнефтегаз»миллий Холдинг компаниясининг 1 та лойиҳаси бўйича 14,9 млн. доллар, «Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компаниясининг 2 та лойиҳаси бўйича 13,9 млн. доллар, «Ўзкимёсаноат» Давлат акционерлик компаниясининг 2 та лойиҳаси бўйича 12,9 млн. доллар йўналтирилди.

Бундан ташқари, 2012 йил 1-чоракда 244,1 млн. доллар миқдоридаги 4 та лойиҳа молиялаштирилган бўлиб, унинг 25,7 млн. долларга тенг қисми «Тикланиш ва тараққиёт» жамғармаси, 15,6 млн. долларга тенг қисми «Хитой Эксимбанк», 400 минг доллар миқдоридаги қисми эса банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Қолган 7 та лойиҳа бўйича ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва тендер савдоларининг ўтказилиши узоқ давом этганлиги сабабли ҳанузгача молиялаштириш очилмаган.

Бундан ташқари, банк инвестиция дастурига киритилган, ёқилғи-энергетика комплексига қарашли корхоналарнинг тўғридан-тўғри молиялаштириладиган 70 та лойиҳаси бўйича молиявий консултант хизматларини кўрсатиш, инвестицион лойиҳаларни экспертиза қилиш ва чет эллик ҳамкорлар билан молиялаштириш схемаларини ва шартларини аниқлаш бўйича музокараларда қатнашиб келмоқда. Ҳозирги кунда улардан 22 таси бўйича («Ўзбекнефтегаз» – 14 та, «Ўзбекэнерго» – 6 та, «Ўзкимёсаноат» – 2 та) молиялаштириш очилган бўлиб, қолган 48 таси бўйича («Ўзбекнефтегаз» – 18 та, «Ўзбекэнерго» – 22 та, «Ўзкимёсаноат» – 8 та) лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда ва тендер савдолари ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, 2013 йил Инвестиция дастурида банк томонидан йил давомида 15 млн. доллар миқдорида хорижий банклар кредит линияларини ўзлаштириш белгиланган.

Шу кунга қадар чет эл банкларининг кредит линиялари ҳисобига кичик бизнес вакилларининг 1,1 млн. доллар миқдоридаги лойиҳалари молиялаштирилди ва 2013 йил 1-чорак режаси 112 фоизга бажарилди.

2012 йилда ҳам бу борада йирик ишлар амалга оширилган эди. Жумладан, Германия банклари кредит линиялари бўйича 3 млн. доллар, Жаҳон банкининг «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» кредит линияси бўйича 120 минг доллар миқдорида маблағлар жалб қилинган.

Реклама ва эълонлар бўлими

Банк иштирокидаги стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар, жумладан:

- «Сирдарё ИЭС - Янги Ангрен ИЭС 500 кВ юқори кучланишли линия қурилиши» лойиҳаси

Сирдарё ИЭС – Янги Ангрен ИЭС юқори кучланишли электр линияси қувватини 500 кВ дан 900 МВ га етказиш, лойиҳа қиймати – 87,1 млн. АҚШ долл., банк кредити – 12,1 млн. АҚШ долл.;

- «Чорбоғ ГЭСда гидрогенераторларни модернизация қилиш» лойиҳаси

Чорвоқ ГЭСда гидрогенераторларни модернизация қилиш, лойиҳа қиймати -56,5 млн.АҚШ долл., банк кредити миқдори – 7 млн. АҚШ долл.;

- «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ишлаб чиқариш қувватларини ошириш (2-босқич)» лойиҳаси

Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида амалдаги йиллик 200 минг тонна калий ўғитлари ишлаб чиқариш қувватини йилига 600 минг тоннага етказиш, лойиҳа қиймати - 254 млн. АҚШ долл., банк кредити миқдори – 73 млн. АҚШ долл., шундан ТТЖ маблағлари – 5,5 млн. АҚШ долл., Эксимбанк маблағлари – 6,9 млн. АҚШ долл.;

- «Кўҳғирот сода заводида калцийли сода ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш» лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Кўҳғирот сода заводи амалдаги йиллик 100 минг тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш қувватларини йилига 200 минг тоннага етказиш, лойиҳа қиймати – 110 млн. АҚШ долл., банк кредити миқдори – 4 млн .АҚШ долл. (ТТЖ маблағлари).

2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Термиз шаҳрида «Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққиёти омили» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Оилавий тадбиркорлик

«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми», Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўзбекистон ипаги» уюшмаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, касаначилар, оилавий тадбиркорлар ва ҳунармандлар иштирок этди.

«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳудудий жамоатчилик кенгаши раиси Р.Норлиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначиликка асосланган ишлаб чиқариш тизими изчил ривожланиб, юртимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Тадбиркорликнинг миллий анъаналаримиз ва хўжалик юритиш фаолиятига мос янги ташкилий-ҳуқуқий шаклини янада ривожлантиришда Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни муҳим дастуруламал бўлаётир.

Сурхондарё вилоятида оилавий тадбиркорликни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб, рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оилавий тадбиркорлар солиқ, божхона, коммунал, электр энергияси тўловлари бўйича қонун билан белгиланган имтиёзлардан унумли фойдаланаётир. Ишбилармон оилаларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиб, сифатли ва нисбатан арзон озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиб, ҳунармандчилик ривожланмоқда. Қишлоқларда аҳоли бандлиги таъминланаётир.

Семинарда иштирокчиларга тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, бизнесни юритиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Жиззахпахтасаноат» очиқ акциялорлик бирлашмаси маъмурияти таҳририятнинг 2013 йил 15 май кунги 3-хатига илова қилинган мухбир Абдуманноп Азимовнинг «Меҳнат муҳофазасига панжа орасидан» сарлавҳали мақоласига жавобан қуйидагиларни маълум қилади:

Чоралар кўрилди

«Жиззахпахтасаноат» ОАБ тизимидаги Арнасой, А.Икромов номли пахта тозалаш корхоналарида энергетик ходимнинг «Электр ускуналарини ўрнатиш қоидалари», «Электр ускуналаридан фойдаланиш қоидалари» ва «Электр ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик техникаларига риоя этилиши қоидалари» бўйича ишчилар касб маҳоратлари синалди. Улар «Ўздавэнергоназорат» Давлат инспекцияси Жиззах ҳудудий бўлими инспектори томонидан ўқитилиб, билимлари текширилди ва аттестациядан ўтказилди.

Шунингдек, ишлаб чиқариш бўлимларида электр қуввати билан ҳаракатланувчи дастгоҳларнинг очиқ жойлари изоляция қилинди. Очилиб ёпиладиган энг хавфли жойларига автоматик ўчиргичлар ўрнатилди. Дастгоҳларнинг хавфли айланувчи қисмлари, чигитни узатувчи шнек, чиқиндиларни узатувчи транспортёр ленталари усти ёпилди.

«Дўстлик» пахта тозалаш корхонасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вилоят бошқармаси томонидан 41 та иш ўрни экспертизадан ўтказилган. Корхонада бешта ишчининг касб касаллигига чалинганлиги аниқланиб, тегишли органлар томонидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

«Жиззахпахтасаноат» ОАЖ тизимидаги барча пахта тозалаш корхоналарида ишчи-ходимларга иссиқ овқат ва ювиниш хоналари ташкил этилган.

Э.НАЗАРОВ,
«Жиззахпахтасаноат» ОАЖ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Аукцион савдолари хабарномаси. «BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти Тошкент филиали мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2013 йил 4 июл куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 10.10.2012 йилдаги 10-1218/13607-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «UMUM QURILISH SERVIS» хусусий ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси кредиторларининг 06.06.2013 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 11.06.2013 йилдаги 241-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол (Огородная) кўчаси манзилида жойлашган умумий ер майдони 1301,0 кв.метр, қурилиш майдони 62,0 кв.метрдан иборат бошланғич баҳоси 135 359 000 (Бир юз ўттиз беш миллион уч юз эллик тўққиз минг) сўм бўлган бош механика биноси мажмуаси такроран қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 3 июл кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «BEST GLOBE REALTOR» МЧЖ Тошкент филиали, х/р: 22622000704922559001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302045495, ОКОНХ: 83200.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қават)

Лицензия RR 0029, тел: + 99893 529-30-13, + 99893 553-51-41. E-mail: bg_rieltor@list.ru, **Хизматлар лицензияланган.**

«Surxondaryo mulk markazi» MChJда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ «Микрокредитбанк» ОАТБ Бошқарувининг 31.05.2011 й 47-1-сонли қарори, «Микрокредитбанк» ОАТБ Сурхондарё вилоят Бошқармасининг 03.06.2011 й 106-Н-сонли ва «Микрокредитбанк» ОАТБ Сурхондарё вилоят Қизириқ туман филиалининг 31.05.2013 йил 23-сонли буйруғига асосан, «Микрокредитбанк» ОАТБ Сурхондарё вилоят Қизириқ туман филиали балансида бўлган, Қизириқ туман «Сариқ» шаҳарчаси «Рабатак» маҳалласида сақланаётган NEXIA-S 150 GLE русумли, д/р. 75 787 ВАА, бўлган 2009 йил и/ч, соз ҳолатдаги автомашина. Б/б 22 885 000.

Аукцион савдосига «Шарғунқўмир» ОАЖнинг 2013 йил 16 апрелдаги № 1-сонли умумий йиғилиш баёни ва 2013 йил 5 июндаги № 40-сонли буйруғига асосан «Шарғунқўмир» ОАЖнинг балансида бўлган Шарғун шаҳар А.Икромов кўчаси, «Шарғунқўмир» ОАЖ автогаражида сақланаётган, ЗИЛ 130 русумли, д/р 75 517 НАА, бўлган 1990 йил и/ч, таъмирталаб юк автомашинаси. Б/б 1 540 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 19 июл куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 17 июл куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2013 йил 19 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 26 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 24 июл куни соат 18:00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

Хизматлар лицензияланган.

ДАВРА СУҲБАТИ

Чортоқ тиббиёт коллежида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Холиқова билан учрашув ўтказилди. Давра суҳбатида коллежни битириш арафасида турган ўғилқизлар, ўқитувчилар иштирок этди.

Депутат билан учрашув

Д.Холиқова Қонунчилик палатаси томонидан олиб борилаётган ишлар, қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти, бир қатор қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ҳақида сўзлаб берди.

Айниқса, юртимизда ёшларга яратилган кенг имкониятлар, ёшларга бизнес режа асосида берилаётган имтиёзли кредитлар самараси, суд-ҳуқуқ тизимига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Давра суҳбатида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Р.ИНАТУЛЛАЕВА,
Чортоқ тиббиёт коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси

СУД ОЧЕРКИ

Халқимизнинг пурҳикмат мақоллари кўпинча бошга ташвиш тушганда эсга келади. Неча йиллик машаққатлар эвазига иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олган Мардибой ака (исм-шарифлар ўзгартирилган) элимизнинг «Ишонмагин дўстингга, сомон тиқар пўстингга», деган нақлини энди унутмаса керак. Чунки дўстингман, деб юрган таниши Фармонқул унинг нақд юз миллион сўмини алдов йўли билан олиб, қайтариб бермади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Воқеани бошдан бошлай қолайлик.

Фирибгар

Танишув

Ўзини «Қувончбек савдо сервис» масъулияти чекланган жамиятининг директори Фармонқул Каттабоев деб таништирган, юзи кулиб турадиган, истарали, бу одамнинг бир-икки ишда беминнат кўмаклашиб юборгани, бир гал қарзга катта пул бериб тургани Мардибой Матисаевнинг «дўстга ёлчидим», деб хурсанд бўлишига етарли бўлди. Ахир Хоразмдай бир жойда танишинг бўлса яхши-да. Шу зайл орада борди-келди бошланди. Бундай қараганда ўрта маълумотли бўлса ҳам, ишбилармон, уч фарзанднинг отаси, гулдай оиласи бор, муҳими, муомала маданияти жойида. Ишончли ҳамкор ва дўст ҳақида яна нимани билиш муҳим. Табиийки, муқаддам Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 3-қисми билан айбланиб, Амнистия актининг 2-банди асосида жазодан озод этилгани тўғрисида Фармонқулнинг ўзи гап очмади ҳам. Шу зайл ўртада ўзаро ишонч пайдо бўлди. Аслида, бу ишларни Ф.Каттабоев босқичма-босқич амалга оширган, пухта «тузоқ» қурган эди.

Ҳосила

2012 йил 19 январ куни соат тахминан 15:00 ларда пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани Қорасув-6 даҳаси 19-«Б» уйнинг 155-хонадонида Фармонқул Мардибой аканинг ҳожатини чиқаришини, яъни унга лозим бўлган «Фатон» комбайни ва уч дона ВТ-150 русумли тракторларни фирмаси орқали арзон нархларда олиб беришга розилигини айтади. Ўртада пайдо бўлган ўзаро ишонч сабаб, расмиятчиликсиз, келишилган 100.000.000 сўмни олган Фармонқул Мардибой акани қуюқ ваъдалар билан қузатиб юборади. Шу пайтгача ишлатилган ҳийла-найранглар натижасида қўлга киритилган бу пул энди исталган мақсадда сарфланиши мумкин эди.

Надомат

Мардибой ака пулни беришга берди-ю, юраги негадир увишиб қўйди. «Йўғ-ей, шундай яхшиликлар қилган одам ҳақида нималарни ўйлаяпман», деб ўзидан хижолат бўлди. Аммо вақт ўтган сари юраги бекорга безовта урмаганига амин бўла бошлади. Жавобсиз қўнғироқлар, учрашганда такрорланавериб, сийқаланган ваъдалар танишларнинг орасига совуқлик солди. Отидан тушиб, эгарини бермаган Фармонқул Мардибойнинг таклифи билан маҳалла идорасида гувоҳлар олдида ҳақиқатда шунча пулни шу одамдан олгани ҳақида тилхат ёзиб берди. Аммо на маҳалла раиси, на гувоҳлар пулни кўришди. Фармонқул уларга пулни аввалроқ олганини айтди.

Шартнома

Ўзига бу қадар ишонишига сабаб бор эди, албатта. Чунки бу вақтга келиб, унинг фирмаси бошқа компанияси ўртасида 16.02.2012 йилда тузилган 2-сонли комиссия шартномаси бўлиб, унга кўра Фармонқулда ушбу компанияга тегишли 43 млн. сўмга нархланган «Фатон» русумли комбайнни сотиш ваколати бор эди. У комбайнни (негадир) 22 млн. сўмга нархлаб, 8-сонли санаси кўрсатилмаган олди-сотди шартномаси ва юк хатини расмийлаштириб, М.Матисаевга тақдим этди ҳам. Шу билан Мардибойнинг ҳовури бироз босилди. Лекин бу узоққа чўзилмади. М.Матисаев юк хати асосида ЁАЖ «Пахта Лизинг»га келди-ю, сохталикклар сабаб комбайнни олиб кета олмади. Чунки Ф.Каттабоев аслида юқори баҳоланган бошқа компанияга тегишли комбайнни паст нархда баҳолаб, фирибгарлик қилган эди.

Мурожаат

Алданаётганига энди тўла амин бўлган Мардибой ака тегишли тартибда Мирзо Улуғбек туман Ички ишлар бошқармасига мурожаат қилди. Алқисса, иш судга етди. Суд мажлисида судланувчи Ф.Каттабоев айбига иқрор эмаслигини айтиб, бошқа бир қизиқ ва ажиб ҳикояни ўртага ташлади.

Яъники...

Судланувчи бундан тўрт йил бурун М.Матисаевга тегишли бўлган, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 20-даҳадаги 20-уйнинг 80-хонадонини сотиб олмоқчи бўлганини, аммо шаҳарда доимий рўйхатда турмаслиги боис, уйни таниши Аваз Акмалов номига расмийлаштиргани, шартномада уйнинг нархи 54 млн. сўм кўрсатилган бўлса-да, оғзаки келишув 100 млн. сўм бўлганини, пулни 4 ой ичида келтириб беришига Мардибой ҳам рози бўлганини айтди. Хуллас, 4 ой ичида пулини ололмаган Мардибой фуқаролик судига мурожаат қилиб, уйни ўз номига қайтариб олгани, аммо суд шартномада кўрсатилган 54 млн. сўмни Аваз Акмаловга қайтариш шартини қўйгани, Аваз Мардибойдан бу пулларни талаб қилгач, Мардибой Фармонқуловдан йўқ жойдан гарданига тушган миллионларни тўлашни талаб қилгани, Ф.Каттабоев пулни топиб беролмагани сабабли қарзи эвазига Мардибойга юқоридаги техника воситаларини олиш таклифини бергани, М.Матисаев ишонч тариқасида 100 млн. сўм олганлиги ҳақидаги тилхатни ёздириб олгани, аслида эса бу пулларни олмаганини таъкидлаб, суддан адолатли ҳукм чиқаришни сўради.

Шу ростми?

Воқеалар кетма-кетлигини М.Матисаев ҳам тасдиқлади. Аммо уйни сотаётиб, қўлига пул олмагани, қайтариб олаётганда эса «емаган сомсасига пул тўлаш»га тўғри келгани, бунинг устига яна 100 млн. сўмни олган Ф.Каттабоев гувоҳлар олдида тилхат берганини, унинг ҳозирги гаплари судни чалғитишга уриниш эканини таъкидлади.

Гувоҳлар

Суд мажлисида МФЙ раиси Б.Зиёдов 2012 йил ёзида идорасида бўлган пайтида М.Матисаев ва илгари унга таниш бўлмаган Ф.Каттабоев келиб, 100 млн. сўмлик олдибердиси борлигини айтиб, Ф.Каттабоев пулни олгани ҳақида ёзган тилхатни тасдиқлаб беришини сўрагани, Ф.Каттабоев пулни аввалроқ олганини айтгач, у тилхатни тасдиқлаб бергани ҳақида гувоҳлик берди. Компания омбор мудири Йўлчи Абсаматов эса «Фатон-6150» комбайнини Ф.Каттабоев 16.02.2012 йилда шартнома асосида сотиб олгани, шундан сўнг тахминан март ойининг охирларига қадар ушбу техникани қисмларга бўлиб олиб чиқиб кетганини тасдиқлади.

Ҳукм

Суд барча материалларни кўриб чиқиб, тергов органи томонидан Ф.Каттабоевнинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди — фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш жинояти аломатлари билан тўғри малакаланган, деб топди. Судланувчи Ф.Каттабоев юқоридаги моддага асосан 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Ундан М.Матисаев фойдасига 100 млн. сўм моддий зарар ундирилиши ҳақида ҳукм қилинди.

Хулоса

«Сувни кўрмай этик ечма», нақли бежиз бот-бот такрорланмайди. Юқоридаги ҳодиса замирида ҳам огоҳликка даъват бор. Ўз ҳуқуқини билмаслик оқибатида ташвиш келиб чиқиши, бировнинг ҳақи бировга буюрмаслиги чин. Зеро, ҳаловат ҳалол ва тўғри яшаган одамларга насиб этадиган олий неъматдир.

Абдушукур АБДУЛАҲАДОВ,
Мирзо Улуғбек туман прокурори ёрдамчиси.
Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2013-yil 18-iyun № 73 (3266)

Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон бўлими кўргазмалар саройида Обод турмуш йилига бағишланган янги кўргазма очилди. Унда қорақалпоқ рассомларининг портрет, ранг-тасвир, графика жанрларида яратган сара ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

Суратда: кўргазмада.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ёшлар ўртасида дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича танлов эълон қилинади

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Тошкент ахборот технологиялари университети, «Ўзбектелеком» АК ва «Самсунг Электроникс» компанияси билан биргаликда дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича танлов эълон қилади.

Дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва жорий этиш бозори, ахборот технологиялари бозорининг узвий қисми сифатида, миллий иқтисодиёт самарадорлигини ошириш учун салмоқли салоҳиятга эга. Жаҳон тажрибасида мамлакатларнинг дастурий таъминот тармоғи ҳисобига фаол иқтисодий ривожланишга эришганига мисоллар кўп. Чунки кейинги йилларда софтвер соҳаси миллий иқтисодиётнинг янги инновациявий бўғини бўлмоқда.

Дастурий таъминот саноати ривожланишининг муҳим шарти сифатида, мамлакатда етакчи таълим муассасалари базасида дастурлаш соҳасида мутахассисларни комплекс тайёрлаш ташкил этилган. Ушбу нуқтаи назардан, танловнинг мақсадлари ёш дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларни рағбатлантириш, юксак малакали кадрлар тайёрлаш, шунингдек, дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришдан иборат.

Танлов ОЎЮ талабалари, шунингдек коллеж ва лицейлар ўқувчилари учун ўтказилади. Унинг ёз даврида ўтказилиши айниқса долзарбдир — ўқувчилар ўқишдан озод этилган, етарлича бўш вақтга эга бўлиб, бу вақтни фойдали ўтказишлари мумкин. Бундан ташқари, танлов ғолибларини салмоқли гонорар фонди кутмоқда, у Обод турмуш йилида айниқса аҳамиятлидир.

Танлов ҳам индивидуал, ҳам гуруҳ иштирокчилари (тўрт нафардан ошмаган) учун очиқдир.

Индивидуал ва гуруҳ иштирокчилари фақат бир номинацияда қатнашишлари мумкин (такрорий иштирок имконсиздир).

Танлов 2013 йил 13 июндан 27 сентябргача, олтита босқичда ўтказилади:

1- босқич — 13 июндан бошлаб — Рўйхатга олиш;

2-босқич — 31 августгача — Дастурий таъминот ишлаб чиқиш;

3-босқич — 1 сентябрдан 10 сентябргача — Ишланмаларни тақдим этиш;

4-босқич — 13 сентябрдан 15 сентябргача — Дастлабки саралаш;

5-босқич — 16 сентябр — Финал саралаш;

6-босқич — 27 сентябр — Тақдирлаш маросими.

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади: (ОЎЮ талабалари ва коллеж ҳамда лицейлар ўқувчилари учун алоҳида)

«Компьютер иловалари бўйича энг яхши ишланма»;

«Смартфон ва смарт телевизорлар учун энг яхши илова ишланмаси»;

«Миллий компьютер ёки мобил ўйинларнинг энг яхши ишланмаси». Бу номинацияда «Энг яхши миллий компьютер ўйинлари сценарийси ва концепцияси ишланмаси» туб номинацияси мавжуд.

Дастлабки саралаш орқали 100 нафар киши танлаб олинади. Финал саралашга ҳар бир номинациядан 8 нафардан иштирокчи чиқади.

Иштирокчиларни рўйхатга олиш ва ишланмаларни тақдим этиш онлайн режимида, www/SOFTWARE.UZ сайтида амалга оширилади.

Ишланмалар бўйича барча муаллифлик ҳуқуқлари ишлаб чиқувчиларга тегишли. Дастлабки танишувдан ташқари, ҳар қандай тижорат ва бошқа фойдаланиш тақиқланади.

Баҳолаш комиссияси аризаларни қуйидаги мезонларга кўра баҳолайди:

Максимал балл миқдори - 100.

Дастлабки саралаш:

ҚИнновациявийлик (20 балл) — қуйидаги хусусиятларга эга ишланмаларга афзаллик берилади: рақобатбардошлик, инновация сифати, бозорга мослашганлик, жорий этишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, жаҳондаги ўхшашларига нисбатан афзалликлари;

ҚЎзига хослик (20 балл) - қуйидаги хусусиятларга эга ишланмаларга афзаллик берилади: ғоянинг ғайриоддийлиги (ғояни умумқабул қилинган ғоялардан ажратиб турувчи омиллар), мослашувчанлик (бошқа ишланмалар билан биргаликда ишлай олиш имконияти), етарли ишланганлик (ғоянинг батафсил ифодаланиши);

ҚТалабгирлик (20 балл) - қуйидаги хусусиятларга эга ишланмаларга афзаллик берилади: талабгир лойиҳа (бозорда талаб мавжуд), кераклилик, ишланмага эҳтиёжнинг мавжудлиги;

ҚИшланманинг ёзилганлик даражаси (10 бал) — қуйидаги хусусиятларга эга ишланмаларга афзаллик берилади: лўндалик, тушунарлилик ва ҳаммабоплик.

Финал саралаш: Тақдимот (30 балл).

ҚМазмун сифати — мавзу очиб берилишининг тўлиқлиги, мавзуни тақдимотда очиш давомида ижодий иш тақсимланишининг мақсадга мувофиқлиги, ахборотнинг потенциал истеъмолчилар хусусиятларига мос келиши.

ҚБезаш сифати — дизайн яхлитлиги, танланган дизайннинг асосланганлиги, графика ва мультимедия эффектларининг оптималлаштирилиши.

ҚҚўшимча мезонлар — саводли тайёрлаш (матнда ҳам, чиқишда ҳам хатоларнинг мавжуд эмаслиги).

Танлов якунларига кўра, ҳар бир номинация бўйича 1-8-ўринларни эгаллаган танлов иштирокчилари қуйидаги миқдорлардаги пул маблағлари билан тақдирланади:

Ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларига:

1-ўрин - 5 млн. сўм;

2-ўрин - 3 млн. сўм;

3-ўрин - 1 млн. сўм;

4-8-ўринлар — 300 минг сўмдан;

Энг яхши миллий компьютер ўйинлари сценарийси ва концепцияси ишланмаси номинацияси ғолибига мукофот — шахсий компьютер топширилади. ОЎЮ талабаларига:

1-ўрин - 10 млн. сўм;

2-ўрин - 5 млн. сўм;

3-ўрин - 3 млн. сўм;

4-8-ўринлар — 300 минг сўмдан.

Энг яхши миллий компьютер ўйинлари сценарийси ва концепцияси ишланмаси номинацияси ғолибига мукофот — шахсий компьютер топширилади.

Изоҳ: Танлов ташкилотчилари тадбирни ўтказиш муддатларига ўзгартириш ҳуқуқига эгалар.

Мурожаат учун:

Элбек Далимов, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ахборот хизмати.

Тел.: +99871 2384175

Эл.почта: e.dalimov@ccitt.uz

КАСАБА УЮШМА СПОРТИ

Устозлар — ўрнак

Ходимлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, оммавий тарзда спорт билан шуғулланишларига шароит яратиш, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида саломатлик спартакиадасининг финал босқичи ўтказилди.

Якуний босқичда Тошкент Автомобил йўллари, Тошкент Архитектура-қурилиш ҳамда Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтларида меҳнат қилаётган элликдан ортиқ устоз-мураббий иштирок этди. Ушбу мусобақа спортнинг стол тенниси (эркаклар ва аёллар), армреслинг (эркаклар), шахмат (эркаклар ва аёллар) ҳамда мини футбол турлари бўйича ўтказилди.

Чаққонлик ва сергаклик талаб этиладиган стол тенниси бахсларида Н.Нарзуллаев (СамДАҚИ) ғалаба нашидасини сурган бўлса, аёллар ўртасида Г.Ҳошимова (ТАЙИ)га 1-ўрин насиб этди.

Швейцарча услубда ўтказилган шахмат беллашувларида Р.Ғуломхўжаев (ТАЙИ) ва И.Салимованинг (ТАҚИ) қўли баланд келди.

Баҳодирлар беллашуви — армреслингда Б. Холмирзаев (ТАЙИ) шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди. Ж.Норов (СамДАҚИ) ва А.Мирзаев (ТАҚИ) кейинги ўринларни банд этишди.

Қизғин курашларга бой бўлган мини футбол баҳсларида ТАЙИ, СамДАҚИ ҳамда ТАҚИ жамоалари совриндорлар сафидан ўрин олдилар. Умумжамоа ҳисобидаги ғолиблик ҳам худди шу кўринишга эга бўлди.

— Ақлий меҳнат билан мунтазам шуғулланадиган одам учун жисмоний тарбия сув билан ҳаводек зарур. Бугунги мусобақада иштирок этиб бир олам қувонч олдик. Яратилган шароит ва берилган эътибор туфайли нафақат мушаклар, балки кўнгилларнинг ҳам чигили ёзилди, — деди мусобақа иштирокчиси Гулнора Жамолова.

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК

Меҳнат жамоаларида бадиий ҳаваскорликни янада жонлантириш мақсадида ЎзКУФК томонидан ташкил этилган «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танловининг дастлабки босқичида Жиззах вилоятидаги икки юздан зиёд корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 4600 киши иштирок этиб, маҳоратларини намойиш этишди.

Обод юрт мадҳи

22-27 апрел кунлари кўрик-танловнинг туман (шаҳар) босқичларида 940 нафар иштирокчи фаол қатнашиб, вилоят босқичига йўлланма олишди. Бунда, айниқса, таълим муассасалари бошланғич касаба уюшмалари фаол бўлди.

Жиззахдаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида 11 та туман ва шаҳардан келган 114 нафар иштирокчи ўзаро беллашишди.

Ҳайъат қарорига кўра, анъанавий ижрочилик йўналишида Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси Қаҳрамон Бобоқулов, эстрада қўшиқчилигида Фориш туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Фарангиз Саъдуллаева, якка чолғу ижрочилигида Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси Муслим Абилов, якка рақс ижрочилигида Жиззах политехника институти лаборанти Гулбаҳор Усмонова, жамоа рақси ижрочилигида Зомин туманидаги мактабгача таълим муассасаси рақс гуруҳи биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Ғолибларга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

МИНИ ФУТБОЛ

Ўқув-машғулот йиғинида

Жорий йилнинг 29 июн — 6 июл кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказиладиган IV Осиё ўйинларида иштирок этувчи терма жамоамиз Эронда ташкил қилинган ўқув-машғулот йиғини доирасидаги ўртоқлик учрашувида Ироқ терма жамоасини 6:2 ҳисобида енгди.

Ўзбекистон терма жамоаси Осиё ўйинларининг гуруҳ бахсларида Афғонистон ва Қатар футболчилари билан рақобатлашади.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Таиланднинг Пхукет шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида юртимиз терма жамоаси аъзолари муносиб иштирок этишди.

Пхукетдаги чемпионлик

Юнон-рум кураши бўйича 55 кг.ча вазнли полвонлар ўртасида Аҳмаджон Маҳмудов (Ўзбекистон) Бехруз Маликий (Эрон), Сагар Шарифзода (Тожикистон), Юки Такешита (Япония)ни мағлуб этиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи беллашувда Жанубий Корея вакили Сэюнг Хак Ким устидан зафар қучган полвонимиз Осиё чемпиони унвонини қўлга киритди.

Осиё чемпионатида ҳамюртларимиздан Жонибек Отабеков ва Жаҳонгир Турдиев бронза медалларига сазовор бўлди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири



МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ

Маҳаллий бюджет харажатларининг самарали ижросини таъминлаш ва уларнинг манзилли бўлиши юртимизда олиб борилаётган бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Хусусан, молия йўналишида олиб борилаётган ислоҳотлар қисқа муддатда турли соҳаларда катта ютуқларга эришиш омили бўлмоқда.

Тежамкорлик — фаровонлик асоси

Ҳозирги кунда ижтимоий соҳанинг ажралмас қисмига айланган бюджет ташкилотларига ажратилаётган маблағларнинг бюджет харажатлари салмоғи йилдан-йилга ошмоқда.

Бунинг сабаби мамлакатимизда ижтимоий соҳанинг устувор эканлигидир. Бу, албатта, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келади.

Бюджет ташкилотларининг сарфлари таркибида ҳажми жиҳатдан асосий ўринда турувчи харажатлар коммунал хизматлар учун тўловлар ҳисобланади. Бу жами даромаднинг 10-15 фоизини ташкил қилади. Аммо ҳозирги кунда айрим ташкилотларда носоз ўлчов-ускуналардан фойдаланиш, ичимлик сувини сабабсиз оқизиб қўйиш, чироқларни ўчирмаслик оқибатида уларга жарима ва пенялар қўлланиши ҳоллари мавжуд. Сўнгги йилларда коммунал хизматлар учун тўлов нархларининг ошиб бораётганини эътиборга оладиган бўлсак, коммунал хизматлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бюджет маблағларини тежашнинг асосий йўналишларидан бири саналади.

Шундай экан, айрим масъулларнинг «менинг ёнимдан кетмаяпти-ку», қабилида иш тутиши кишини ажаблантиради. Коммунал хизматлар харажатлари самарадорлигини ошириш бўйича комплекс техник тадбирларни ишлаб чиқиш, яъни масъул ходимлар малакасини ошириш, коммунал хизматлар аудити раҳбарлар томонидан мунтазам ўтказиб турилиши, масъул ходим тежамкорлиги учун рағбатлантириб турилиши, ўлчов асбобларини замонавийлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Даврон КАРИМЖОНОВ, Тошкент Молия институти магистри

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Кимё соҳаси бўйича республика бирлашган қўмитаси Янгийўл «Биокимё» ОАЖ бошқаруви раиси Собир Шамшиевга падари бузруквори

САЙФУТДИН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси бирлашма кенгашининг собиқ раиси, меҳнат фахрийси Бибиражаб Муҳамедовага онаси

Мушарраф аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.15
Topshirildi - 22.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujaliloy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 611 | 19431 nusxada bosildi | 1 2 3 5